36. Узоқ ва қисқа муддатли қарзларнинг ҳисоби
37. Тўланадиган облигациялар ва векселларнинг ҳисоби.
38. Кредит, қарзлар, облигациялар ва векселлар бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби ва уларнинг ҳисоби.
39. Чет эл валютасида олинган кредит ва қарзларни қайта баҳолаш ва уни натижаларининг ҳисоби
40. Корхоналар оборотидан олинадиган солиқларнинг ҳисоби.
41. Корхоналар ҳаражатларига кирадиган солиқларнинг ҳисоби
42. Корхоналар даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқларнинг ҳисоби
43. Ягона солиқ тўловининг ҳисоби
44. Бухгалтерия балансини тузиш
45. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш
46. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш
47. Таъсисчилардан олинадиган счётларнинг ҳисоби
48. Олинадиган фоизлар, дивидендлар ва роялти бўйича дебиторлик қарзларнинг ҳисоби
49. Шубҳали дебиторлик қарзлар ва улар бўйича резервларнинг ҳисоби
50. Таъсисчиларга тўланадиган счётларнинг ҳисоби
51. Муддати узайтирилган қарзларнинг ҳисоби
52. Тўланадиган фоизлар, роялти ва кафолатларнинг ҳисоби
53. Асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг ҳисоби
54. Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларнинг ҳисоби
55. Муддати узайтирилган даромадларнинг ҳисоби.
56. Якуний молиявий натижалар кўрсаткичларининг ҳисоби
57. Ҳисобот даври молиявий натижасининг ҳисоби
58. Ҳисобот йили тақсимланадиган фойдаси (қопланмаган зарари)нинг ҳисоби.
59. Устав капитали ва Резерв капиталининг ҳисоби
60. Қўшилган капиталнинг ва мақсадли тушумларнинг ҳисоби
61. Касса ва касса муомалалари аудити
62. Ҳисоб-китоб счётига доир муомалалар аудити
63. Валюта муомалалари аудити
64. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудити
65. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудити
66. Бюджет билан ҳисоб-китоблар аудити
67. Давлат мақсадли фондларига доир ҳисоб-китоблар аудити
68. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудити

69. Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар аудити
70. Устав капитали аудити
71. Қўшилган капитал аудити
72. Резерв капитали аудити
73. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) аудити
74. Асосий фаолият бўйича даромад ва харажатлар аудити
75. Давр харажатларини аудити
76. Молиявий фаолият бўйича даромад ва харажатлар аудити
77. Якуний молиявий натижа аудити
78. Бухгалтерия баланси аудитини ташкил этиш босқичлари ва ундаги амаллар
79. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудити
80. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот аудити
81. Аудиторлик текшируви режалаштириш ва аудиторлик дастури
82. Молиявий натижаларни аудит қилишда фойдаланиладиган асосий меъёрий ҳужжатларни келтиринг?
83. Харажатларни аудит қилиш қандай ташкил этилади?
84. Ишлаб чиқариш харажатларига ва маҳсулотлар (иш, хизматлар) таннархига киртиладиган харажатларни тўғри аниқлашни қандай текширилади?
85. Операцион даромадлар ва харажатларни шакллантиришни тўғри текшириш қандай амалга оширилади?
86. Реализациядан ташқари даромадлар ва харажатларни тартибini текшириш қандай амалга оширилади?
87. Корхоналар фаолияти молиявий натижаларни шакллантириш ва фойданинг ишлатилиши қандай текширилади?
88. Харажатлар, Тушумилар ва реализациядан ташқари даромадлар ва харажатларни аудит қилишда қайси ҳужжатлар ва бухгалтерия счетлари текшириш манбалари бўлиб ҳисобланади?
89. Молиявий ҳисобот ва уни аудиторлик текширувидан ўтказишдан мақсад нима?
90. Бухгалтерия баланси ва унинг моддаларини текшириш қандай амалга оширилади?
91. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудити қандай амалга оширилади?
92. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг аудиторлик текшируви қандай амалга оширилади?
93. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот аудити қандай амалга оширилади?
94. Ишлаб чиқариш харажатлари аудитининг қандай меъёрий асослари ва хусусиятлари мавжуд?
95. Тугалланмаган ишлаб чиқаришларни текшириш қандай амалга оширилади?
96. Номоддий активларни ҳужжатларда расмийлаштиришни ва киримга олинишини тўғрилигини қандай текширилади?
97. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг тўғрилигини текшириш қандай амалга оширилади?
98. Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш қандай амалга оширилади?
99. Аудитнинг қандай халқаро стандартларини биласиз?

100. Лизинг муносабатлари ва ижара мажбуриятлари аудити қандай амалга оширилади?

МАСАЛАЛАР

1 – МАСАЛА

«Рубин» компанияси «Самшит» компаниясининг 8500 дона акциясига эгаллик қилади, бу эса овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг 30 фоизини ташкил қилади. «Самшит» компаниясининг соф фойдаси 125 000 сўмни ташкил қилди, компания соф фойданинг 60 фоизи миқдорида дивиденд тўланишини эълон қилди. «Рубин» компанияси ўзининг молиявий ҳисоботида қайси инвестицион фойдани акс эттиради?

2 – МАСАЛА

«Север» компанияси ТМЗни ўзлуксиз ҳисобга олишни қўллайди. Компания томонидан март ойида амалга оширилган операциялар ҳақида қуйидаги маълумотлар мавжуд: 1 мартда ТМЗ қолдиғи – ҳар бири 22000 сўм турадиган 20 та товар бирлиги.

5 мартда Ҳар бири 21000 сўм турадиган 40 дона товар бирлиги сотиб олинган.

7 мартда Ҳар бири 25000 сўм турадиган 15 дона товар бирлиги сотилган.

15 мартда Ҳар бири 24000 сўм турадиган 8 та товар бирлиги сотилган.

25 мартда Ҳар бири 23000 сўм турадиган 18 та товар бирлиги сотиб олинган.

Март ойи охирига келиб заҳиралар қиймати – 1 191000 сўм

Компанияда заҳираларни баҳолашнинг қайси методидан фойдаланилган?

3 – МАСАЛА

«Вега» компанияси 2019 йил 1 февралда ишлаб чиқариш ускунасини 10 йил муддатга ижарага олди, бу тахминан унинг фойдали хизмат муддатига тенгдир. Ушбу санада ускунанинг ҳақиқий бозор қиймати 155 000 сўмни ташкил қилди. Компания 9 500 сўм миқдоридаги ижара тўловини йилига икки марта – 31 июлда ва 31 январда тўлайди. Кўзда тутилаётган фоиз ставкаси – 10 фоиз. «Вега» компаниясининг молиявий ҳисоботида ускуна қайси қиймати бўйича акс эттирилади?

4 – МАСАЛА

Агар ишлаб чиқаришнинг максимал даражаси 6000 бирлик, минимал даражаси 4000 бирлик, ушбу даражаларга мос ҳаражатлар суммаси 12900 п.б. ва 11100 п.б. ни ташкил этса, $Y = a + bX$ тенгламаси қандай кўринишга эга бўлади.

5 – МАСАЛА

Корхонада ишлаб чиқариш маъмурияти, ошхона ва 1 ва 2-цехлардан иборат. Агар корхона маъмуриятининг қолган бўлимларга хизмат кўрсатиш меҳнат пропорцияси мос равишда 1/10, 6/10, 3/10 бўлса, тўғридан-тўғри тақсимлаш усулида қайси пропорцияга асосан маъмурият ҳаражатлари 1 ва 2-цехларга тақсимланади.

6 – МАСАЛА

Бир бирлик маҳсулотни реализация қилиш нархи 1 000 ш. б., 2 000 бирлик реализация қилинган. Бир бирлик маҳсулотга тўғри келувчи ўзгарувчан ҳаражатлар 1 300 000 ш. б.ни, доимий ҳаражатлар - 200 ш. б. ни ташкил этади. Маржинал даромад, бир бирлик маҳсулотга тўғри келувчи фойда, зарарсизлик нуқтаси ва хавфсизлик маржасини (чегарасини) аниқланг.

7 – МАСАЛА

Компания ҳаражатларни калькуляция қилишнинг жараёнли (по процессный) усулидан фойдаланади. Ҳисобот даврида 10 000 бирликдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилган. Давр бошига кўра корхона захирасида 800 бирликдаги тугалланмаган маҳсулотлар мавжуд бўлган, бунда тугалланиш даражаси қўшилган ҳаражатлар бўйича 40 % ва асосий материаллар бўйича 70 % ни ташкил этган.

Давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш 900 бирликни ташкил этади, бунда эса тугалланиш даражаси қўшилган ҳаражатлар бўйича 40 % ва асосий материаллар бўйича 70 %ни ташкил этди.

ФИФО усулидан фойдаланиб эквивалент бирликлар сонини аниқланг.

8 – МАСАЛА

Бир турдаги маҳсулот 400 бирликдаги ҳажмда 550 000 ш. б. даги ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан ишлаб чиқарилаяпти. Булардан ўзгарувчан ҳаражатлар – 375 000 ш.б. ни ташкил этмокда. Реализациядан кўзда тўтилган операцион фойда 18 % ҳисобланади.

Бир бирликдаги маҳсулотнинг реализациянинг мақбул нархини аниқланг.

9 – МАСАЛА

“Соғлиқ-бойлик” компаниясининг тиббий хизматлар бўлими 15 ш.б. ўлчамдаги ўзгарувчан тиббий ҳаражатларни 1 йил учун 1 та ходимга нисбатан

режалаштирган, бунда ишлаб чиқариш бўлимларидаги 200 та хизматчиларга асосланган. Йил давомида ўртача 1200 та ишчи ишлаб чиқариш бўлимларида банд бўлганлар. Бир йил мобайнидаги ҳақиқий ўзгарувчан ҳаражатларлар 28 800 ш. б. ни ташкил қилган.

Йил охирида баҳолаш мақсадида ишлаб чиқариш бўлимларига қанча миқдордаги ўзгарувчан устама ҳаражатлар тақсимланиши керак?

10 – МАСАЛА

Бир ёш тадбиркор эсдалик учун совғалар дўконини очишни режалаштирган. Дўконниг ижара пули бир ой учун 400 ш.б. ни ташкил этади. Бир бирлик эсдалик учун совғанинг сотиш нархи 20 ш.б. ни, сотиб олиш нархи эса 19.5 ш.б. ни ташкил этади.

Ой охирида 100 ш.б. ҳажмидаги солиққача фойдага эга бўлиши учун, эсдалик совғасидан қанча миқдорда сотиш кераклигини аниқланг?

11 – МАСАЛА

“Ниҳол” компаниясининг ишлаб чиқариш операциялари бўйича 2019 йил учун куйидаги маълумотлар кўрсатилган:

Заҳиралар	1 январ, 2019 й.	31 декабр, 2019 й.
Тўғридан-тўғри материаллар	20 000	30 000
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	40 000	25 000
Тайёр маҳсулотлар	28 000	35 000

2019 йил учун кўшимча маълумотлар:

тўғридан-тўғри материалларни сотиб олиш – 100 000 ш. б.

тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ишчиларига иш ҳақи – 80 000 ш. б.

тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ишчиларига 1 соат учун оклад суммаси – 10 ш. б.

устама ҳаражатлар меъёри (тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ишчиларига 1 соат учун) – 8 ш.б.

2019 йил учун қайта ишлаш ҳаражатлари қанча бўлган?

12 – МАСАЛА

2017 йил 16 январ куни Корхона ўзининг қарам хўжалик жамиятига 6 ойлик муддат билан 5 000 000 сўмлик қисқа муддатли молиявий ёрдам берди. Ушбу молиявий ёрдам бўйича олинадиган йиллик фоиз – 24 %. Олинадиган фоизлар ҳар ойда ҳисоблаб борилади. Берилган молиявий ёрдам бўйича январ

ойи учун олинадиган фоиз суммасини аниқланг ва унга бухгалтерия ёзувини беринг?

13 – МАСАЛА

Бошланғич қиймати 12 000 000 сўм, эскириш қиймати 8 000 000 сўм бўлган станок 200_ йил 1 январ ҳолатига 1,2 коэффициентда қайта баҳоланди. Ушбу операция бўйича бухгалтерия ёзувини беринг:

14 – МАСАЛА

Аудиторлик текшируви жараёнида корхонада бир маҳсулот учун ўзгарувчан ҳаражат 1400 сўмни, доимий ҳаражатлар эса 900000 сўмни ташкил қилганлигини аниқлади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори 2000 дона. Маҳсулот сотишдан 800000 сўм фойда олиш учун аудитор корхонага маҳсулот бир бирлигининг баҳосини қанча қилиб белгилашни тавсия қилади?

15 – МАСАЛА

Аудиторлик текшируви жараёнида корхона 200 000 дона маҳсулот сотган. Шундан доимий ҳаражатлар-400 000 сўм ва ўзгарувчан ҳаражатлар-сотиш баҳосининг 60% ташкил қилган. Корхона 100 000 сўм фойда олган. Текширув натижасига кўра сотилган маҳсулот бирлигининг баҳоси қанча тенг бўлган?

16 – МАСАЛА

Аудиторлик текшируви жараёнида ишлаб чиқарилган маҳсулотдан 200000 сўм миқдорида фойда олинганлиги аниқланган. Доимий ҳаражатлар - 400000, ўзгарувчан ҳаражатлар - реализация ҳажмининг 75% миқдорида бўлган. Аудитор аниқлаган соф реализация ҳажми қанчани ташкил қилади?

17 – МАСАЛА

Ҳисобот даврида жами ишлаб чиқариш ҳаражатлари 2000000 п.б. Тақсимланган устама ишлаб чиқариш ҳаражатлари жами ишлаб чиқариш ҳаражатларининг 30%ни ташкил этади. Устама Ишлаб чиқариш ҳаражатлари асосий ишчиларнинг меҳнат ҳақи ҳаражатларининг 60% ни ташкил этади. Ушбу маълумотлар асосида ишлаб чиқаришда қўлланилган асосий материалларнинг қийматини аниқланг.

18 – МАСАЛА

Корхона ҳисобот маълумотлари бўйича : сотиш ҳажми 10 000 сўм, ишлаб чиқариш ҳаражатлари 2 000 сўм (шундан 30% доимий), муомала ва бошқарув

ҳаражатлари 5 000 сўм (шундан 60% ўзгарувчан ҳаражатлар) . Корхонанинг маржинал даромади неча пулни ташкил қилади?

19 – МАСАЛА

Қуйидаги маълумотлар берилган:

ТМЗларнинг бошланғич қолдиғи	– 50 000 п.б.
Ҳарид	– 100 000 п.б.
Маҳсулот реализациясидан олинган даромад	– 110 000 п.б.
Таннархга нисбатан устама	– 25%

Ушбу маълумотлар асосида ТМЗлар ҳисобида ялпи фойда методини қўллаган ҳолда ТМЗларнинг охири қолдиғини аниқланг.

20 – МАСАЛА

Сотишдан олинган даромад 15000000 сўм, сотиш таннархи 800000 сўм, давр ҳаражатлари 3000000 сўм, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар 1000000 сўм, олинган фоизлар 1300000 сўм, тўланган дивидендлар 1000000 сўм, фавқулодда фойда 300000 сўм. Сотишдан олинган фойда суммасини аниқланг.

21 – МАСАЛА

Аудит жараёнида битта компьютернинг камлиги аниқланди, бошланғич қиймати 700000 сўм, эскириши 245000 сўм, бозор баҳоси 1000000 сўм. Моддий жавобгар шахс ҳисобига неча сўмлик мулк олиб борилади?

22 – МАСАЛА

Бошланғич қиймати 20 000 000 сўм, жамланган эскириши – 14 000 000 сўм бўлган юк машинаси 7 200 000 сўмга нақд пулсиз ҳисоб – китоб асосида сотилди. Юк машинанинг олдинги йилларда қайта баҳоланган қиймати 500 000 сўм. Юк машинанинг сотиш қийматиға бухгалтерия ёзувини беринг:

23 – МАСАЛА

Бошланғич қиймати 20 000 000 сўм, жамланган эскириши – 14 000 000 сўм бўлган юк машинаси 7 200 000 сўмга нақд пулсиз ҳисоб – китоб асосида сотилди. Юк машинанинг олдинги йилларда қайта баҳоланган қиймати 500 000 сўм. Юк машинанинг сотишдан олинган фойда суммасини топинг ва унга бухгалтерия ёзувини беринг

24 – МАСАЛА

«Белорусь» тракторининг бошланғич қиймати 15 млн. сўм. Фойдали хизмат муддати – 5 йил. Жами ишлаш вақти меъёри беш йилда 10000 соат.

Ҳисобот йилида ишлаган вақти жами 2100 соат, шундан деҳқончилик соҳасида – 1600 соат, чорвачилик соҳасида - 500 соат. Деҳқончилик соҳасига сарфланган вақт миқдорлари қуйидагича тақсимланган: а) пахта этиштиришга-900 соат; б) ғалла этиштиришга – 400 соат; в) полиз экинларини этиштиришга -200 соат; г) этиштирилган маҳсулотларни топшириш ва сотиш ишларига– 100 соат. Бир маромли усулда тракторнинг йиллик амортизация суммаси тенг бўлади:

25 – МАСАЛА

«Тонг» корхонаси 5 млрд. сўмлик тушум ва 200 000 минг сўм миқдорида соф фойда кўрди. «Баҳор» корхонаси 3 млрд. сўмлик тушум ва 150 000 минг сўм миқдорида соф фойда кўрди. Қайси компания фоиз кўринишида кўпроқ фойда кўрган.

26 – МАСАЛА

2018 йил давомида компания 120 000 ш.б. га ўзининг оддий акцияларини сотиб олди, 80 000 ш.б. га айланмадан ташқари активларини сотди, шунингдек 235 000 ш.б. миқдорида кредит олди. 2018 йил учун пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда молиявий фаолият бўйича қандай сумма акс эттирилади?

27 – МАСАЛА

2019 йил учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда компаниянинг соф фойдаси 4000 ш.б.ни ташкил этди, товар ва захиралар 500 ш.б.га камайди, дебиторлик қарздорлиги 700 ш.б.га кўпайди. Мазкур ўзгаришлар пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда соф айланма активлар ўзгаришдан олдинги операцион фаолиятдан олинган фойдага қандай таъсир кўрсатади?

28 – МАСАЛА

Бошланғич қиймати 1200 ш.б. га тенг ускунани фойдаланишга топширишда унинг фойдали хизмат муддати 8 йил деб баҳоланган эди. Тўртинчи йилнинг бошида раҳбарият объектдан фойдаланишнинг қолган муддатини қайта кўриб чиқиш ва уни 3 йил деб баҳолаш зарурлиги тўғрисидаги хулосага келди. Асосий воситадан фойдаланишнинг тўртинчи йилида эскириш суммаси қанчани ташкил этади?

29 – МАСАЛА

Йил якунига захиралар бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд: “А” товарнинг таннари 40 ш.б. соф сотиш қиймати 50 ш.б. “Б” товар таннари – 80 ш.б. соф сотиш қиймати 74 ш.б. га тенг. Йил якунига компания захираларининг баланс қиймати нимага тенг.

30 – МАСАЛА

«Океан» компанияси «Норд» компаниясининг 6 900 та акциясига эгалик қилади, бу эса овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар сонининг 10 фоизини ташкил қилади. «Норд» компаниясининг соф фойдаси 98 000 сўмни ташкил қилди, компания соф фойданинг 75 фоизи миқдорида дивиденд тўловларини эълон қилди. «Океан» компанияси ўз молиявий ҳисоботида қанча миқдордаги инвестицион фойдани акс эттиради?

31 – МАСАЛА

2019 йил 1 октябрда компания 50 000 сўм миқдоридаги 9 фоизлик векселни бир йил муддатга 49 600 сўм баҳосида чиқарди. Фоизларни тўлаш чоракнинг сўнгги куни амалга оширилади. Чегирмага амортизация ҳисоблашда тўғри чизикли методдан фойдаланиш шарти билан 2019 йил 31 декабрда фоизлар бўйича ҳаражатлар суммасини ҳисобланг.

32 – МАСАЛА

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда сотилган товарлар таннари 185_000_сўмни ташкил қилди, тўланадиган сўмлар 10 000 сўмга ошди, ТМЗ 8_000_сўмга камайди, олинадиган сўмлар 18 000 сўмга ортди. Ҳаридлар бўйича пул маблағларини тўлашқуйидагиларни ташкил қилди

33 – МАСАЛА

2019 йилда компания 150 000 сўмга асосий воситалар сотиб олди, баҳоси 55 000 сўм бўлган узок муддатли инвестицияларни 69 000 сўмга сотди, бошланғич қиймати 35 000 сўм бўлган ва 25_000 сўм миқдорида амортизация ҳисобланган асосий воситаларни 7_000 сўмга сотди. Инвестиция фаолиятига оид пул маблағлари оқими қанчани ташкил қилди.

34 – МАСАЛА

2020 йил 16 январ куни Корхона ўзининг қарам хўжалик жамиятига 6 ойлик муддат билан 5 000 000 сўмлик қисқа муддатли молиявий ёрдам берди. Ушбу молиявий ёрдам бўйича олинадиган йиллик фоиз – 24 %. Олинадиган фоизлар ҳар ойда ҳисоблаб борилади. Берилган молиявий ёрдам бўйича январ ойи учун олинадиган фоиз суммасини аниқланг ва унга бухгалтерия ёзувини беринг?

35 – МАСАЛА

Аудиторлик текшируви жараёнида корхонада бир маҳсулот учун ўзгарувчан харажат 1400 сўмни, доимий харажатлар эса 900000 сўмни ташкил

қилганлигини аниқлади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори 2000 дона. Маҳсулот сотишдан 800000 сўм фойда олиш учун аудитор корхонага маҳсулот бир бирлигининг баҳосини қанча қилиб белгилашни тавсия қилади?

36– МАСАЛА

Аудиторлик текшируви жараёнида ишлаб чиқарилган маҳсулотдан 200000 сўм миқдорида фойда олинганлиги аниқланган. Доимий харажатлар - 400000, ўзгарувчан харажатлар - реализация ҳажмининг 75% миқдорида бўлган. Аудитор аниқлаган соф реализация ҳажми қанчани ташкил қилади?

37 – МАСАЛА

Аудитор аудитни режалаштириш даврида ажратиб бўлмайдиган таваккалчилигини 70%, ички назорат таваккалчилигини 40%, аниқланмаслик таваккалчилигини 12% қилиб белгилади. Шунда аудиторлик таваккалчилиги неча фоизга тенг бўлади?

38 – МАСАЛА

Компания 31.08.2019 йил ҳолатига 1000 баррел нефтни ҳар бир баррели учун 75 ш.б тўлаб сотиб олади. Компанияда нефтни қайта сотиш бўйича шартномалар мавжуд эмас. 30.09.2019 йилда нефтнинг нархи бир баррел учун 67 ш.б га тушади ва нефтни қайта сотиш имкони йўқ. 31.12.2019 йилда бир баррел нефт нархи 76 ш.б гача кўтарилди, лекин нефт ҳамон реализация қилинмади. 31.12.2019 йил ҳолатига молиявий ҳисоботда ушбу захира қиймати нимага тенг?

39 – МАСАЛА

Корхона “А” маҳсулотни ишлаб чиқариш учун бошланғич қиймати 20 000 ш.бга тенг ускуна сотиб олди. Ускунада унинг фойдали хизмат муддати давомида “А” маҳсулотдан 100 000 дона бирлик ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Фойдаланишнинг биринчи йилида 50 000 дона бирлик ишлаб чиқарилган. Биринчи йил учун мазкур ускуна бўйича йиллик эскириш суммаси нимага тенг?

40 – МАСАЛА

Корхона ишлаб чиқариш ускунасини 5 йил муддатга ижарага олувчи корхонага топширди. Ижаранинг бошига ускунанинг баланс қиймати 3 млн ш.б.га тенг бўлган. Усқунанинг фойдали иш муддати 12 йил деб белгиланган. Ижаранинг биринчи йилдан кейин усқунанинг баланс қиймати қанчага тенг бўлади.

**5A230902 – “Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги бўйича мутахассислик фанларидан магистратурага кирувчилар томонидан ёзилган ёзма ишнинг
БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

1. “Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчилар томонидан ёзилган ёзма иши Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ томонидан белгиланган умумтартиб ва Низом қоидаларига амал қилинган ҳолда ўтказдирилади.

2. “Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчиларни мутахассислик бўйича ёзма иши натижалари 100 баллик тизимда амалга оширилади.

3. “Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” махсус фанидан кириш имтиҳони ёзма усулда ўтказилади. Ҳар бир вариант 3 та саволдан иборат. Вариантдаги 3 та саволнинг ҳар биридан олиш мумкин бўлган балл миқдори қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ деб топилган яъни, биринчи ва иккинчи саволларнинг ҳар бирига максимал 30 баллдан жами 60 балл. Учинчи топшириқ, яъни масала учун максимал 40 балл.

№	Умумий балл	Магистратурага кирувчининг билим даражаси	Хусусий балл
1-савол бўйича			
1	26-30	Қўйилган саволлар мазмунан аниқ ёритилиб, демократик ислоҳотлар ва жараёнларнинг мазмунан моҳияти тўлиқ очиб берилган;	9-10
		Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар таҳлили ва уларнинг амалий самаралари, натижалари ва ҳаётга тадбиқ этилиши бўйича мустақил, ижодий фикр мавжудлиги;	9-10
		Жавобларда мантикий яхлитликка эришилган ва умумий хулосалар чиқариш қобилиятига эга;	6-7
		Имло ва стилистик хатоларга йўл қўйилмаган.	2-3
			26-30
2	21-25	Жавоб тўғри ёзилган, унда демократик янгиланиш жараёнлар асосли ёритилган, аммо бугунги демократик янгиланишлар амалиётида ноаниқликлар, саналарда чалкашликларга йўл қўйилган;	7-8
		Жавобда магистратурага кирувчининг мустақил мушоҳада юритиш қобилияти сезилади;	6-7
		Ижодий ёндошув мавжуд;	5-6

		Муаммони таҳлил қилиш қобилиятига эга.	3-4
			21-25
3	17-20	Саволга жавобда масаланинг моҳиятини тушунилган, аммо мазмун ва натижалар юзаки ёритилган; Мушоҳада баёнида фикр тарқоқлиги кузатилади; Жавобларда мантииқийлик тамойили бузилган; Тасаввурга эга, лекин таҳлил йўқ.	6-7 5-6 4-5 2-2
			17-20
4	0-16	Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас; Умуман жавоб ёзилмаган; Нотўғри жавоб ва маълумот берилган; Ўқув адабиётидан айнан сўзма-сўз кўчирилган.	0-16
2-савол бўйича			
1	26-30	Қўйилган саволлар мазмунан аниқ ёритилиб, демократик ислохотлар ва жараёнларнинг мазмунан моҳияти тўлиқ очиб берилган; Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотлар таҳлили ва уларнинг амалий самаралари, натижалари ва ҳаётга тадбиқ этилиши бўйича мустақил, ижодий фикр мавжудлиги; Жавобларда мантикий яхлитликка эришилган ва умумий хулосалар чиқариш қобилиятига эга; Имло ва стилистик хатоларга йўл қўйилмаган.	9-10 9-10 6-7 2-3
			26-30
2	21-25	Жавоб тўғри ёзилган, унда демократик янгилашни жараёнлар асосли ёритилган, аммо бугунги демократик янгилашнилар амалиётида ноаниқликлар, саналарда чалкашликларга йўл қўйилган; Жавобда магистратурага кирувчининг мустақил мушоҳада юритиш қобилияти сезилади; Ижодий ёндошув мавжуд; Муаммони таҳлил қилиш қобилиятига эга.	7-8 6-7 5-6 3-4
			21-25
3	17-20	Саволга жавобда масаланинг моҳиятини тушунилган, аммо мазмун ва натижалар юзаки ёритилган; Мушоҳада баёнида фикр тарқоқлиги кузатилади; Жавобларда мантииқийлик тамойили бузилган; Тасаввурга эга, лекин таҳлил йўқ.	6-7 5-6 4-5 2-2
			17-20
4	0-16	Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас;	

	Нотўғри жавоб ва маълумот берилган; Ўқув адабиётидан айнан сўзма-сўз кўчирилган.	
--	---	--

Балл	Кирувчининг билим даражаси
1	2
86-100	Кирувчининг жавобларида берилган саволлар бўйича ижодий фикрлаш мавжуд бўлса, мамлакатимизда модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш, демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиққан вазифаларни бажариш йўллари ўз аксини топган бўлса, қўйилган муаммони ечиш бўйича тавсиялар берган бўлса, савол бўйича жавобда мустақил мушоҳада юритилган бўлса, тавсияларни амалиётга қўллаш тартиблари кўрсатилган бўлса.
71-85	Кирувчи ўз жавобида қўйилган савол бўйича мустақил мушоҳада юритган бўлса, уларнинг моҳиятини деярли тўлиқ очиб берган бўлса, қўйилган муаммони ечиш бўйича ўз тавсияларини берган бўлса.
55-70	Кирувчи жавобида фан бўйича вариантга киритилган саволларга қисман жавоб берган бўлса, асосий тушунчаларга берган изоҳи кам бўлсада, мавжуд бўлса.
0-54	Кирувчи жавобида қўйилган савол мазмуни умуман ёритилмаган бўлса, изоҳлар мавжуд бўлмаса, яъни талабгор жавобида қўйилган саволлар бўйича умуман тасаввурга эга эмаслиги аниқ бўлса.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни (2021 йил 25 февраль), Тошкент, 2021.
3. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (янги таҳрири), 2016 йил 13 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. 2019 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2019 йил 30 декабрь. ПҚ-4555.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.
7. «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон фармони билан тасдиқланган.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида», ПҚ-615-сон, 2007 йил 4 апрел
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-4720-сон, 2015 йил 24 апрель.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида», 207-сон, 2015 йил 28 июль.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида», 365-сон, 2000 йил 22 сентябр
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 99-сон, 2007 йил 17 май
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги «Молиявий назоратни мустаҳкамлаш ва хўжалик ҳаётига молиявий назоратнинг аудиторлик шакллари жорий этиш тўғрисида» ги Қарори (198-сон).
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 июндаги «Аудиторлар ва аудиторлик хизматларини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарори (293-сон).
15. «Маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» Низом, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5-февралдаги Қарори (54-сон). Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар ЎЗР В.Мнинг 2003 йил 15 октябридаги 444 - сонли қарори

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг Қарори «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида», 28-сон, 2007 йил 12 феврал.

17. Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. «Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисида Низом», 215 – сон, 2007 йил 16 октябр.

18. «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 15 июндаги 65-сонли буйруғи

19. Молиявий аудит андозалари. Солиқлар ва божхона хабарлари, 1997 йил 36-51 ва 1998 йил, 1-35 сонлар.

20. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. -“Халқ сўзи”, 2017 йил 16 январь.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлис депутатлари ва Сенат аъзоларига Мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

20. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.

21. Каримов И.А. Бош мақсадимиз –мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислоҳатларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. – «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

22. Дўстмуродов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. «ЎМЭ» ДИН. Т-2003

23. Ибрагимов А. ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. –Т.: Иқтисод-молия, 2008. -440б.

24. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Самарканд, 2014

25. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2004. – 448 б.

26. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби. Маърузалар курси. 1-қисм, Самарканд-2017.

27. Уразов К.Б. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашр.- Т.: «Фан ва технология», 2019. – 540 б.

28. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: «Инновацион

ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020, 564 бет.

Қўшимча адабиётлар

1. Арнес Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит. Перевод с английского. Главный редактор серии профессор Я.В. Соколов, М.: Финансы и статистика, 1995, 250 с.

2. Андреев В.Д. Практический аудит. Справочное пособие. М.: Экономика, 1994, 366 с.

3. Аудит: Учебник для вузов. В.И. Подольский, Г.Б. Поляк, А.А. Савин, Л.В. Сотников. Под редакцией профессора В.И. Подольского. М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997, 432 с.

4. Барышников А.П. Организация и методика общего аудита. М.: Информационно-издательский дом «Филинь», 1995, 448 с.

5. Сотиволдиев А. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: ЎЗР Б ва АМА, 2005. -492 б.

6. Очиллов И.К. ва бошқалар. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма –Т.: ТМИ, 2007. -486 б.

7. Уразов К.Б., Худайбердиев Н. У. Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари. Ўқув қўлланма. – Самарканд, 2018

Интернет сайтлари

1. [http:// www.iaa.org.uk](http://www.iaa.org.uk) (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)

2. [http:// www.iasc.org.uk](http://www.iasc.org.uk) (International Accounting Standards Committee)

3. [http:// www.aicpa.org/index.htm](http://www.aicpa.org/index.htm) (American Institute of Certified Public)

4. www.uza.us.apb (ЎМА турли соҳаларга доир қўлланма янгиликлари)

5. www.cer.uz (Иқтисодий изланишлар маркази)

